

<http://interscience.uz/>

ISSN 2181-1709 (P)

ISSN 2181-1717 (E)

**ТАЪЛИМ ВА
ИННОВАЦИОН
ТАДҚИҚОТЛАР**

**ОБРАЗОВАНИЕ И
ИННОВАЦИОННЫЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ**

**EDUCATION AND
INNOVATIVE
RESEARCH**



7

2021

**ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР
ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH**



№ 7, 2021
декабрь

<p>Муассис: Бухоро давлат университети Фан ва таълим МЧЖ</p> <p>Бош муҳаррир: Маъмуров Баходир Бахшуллаевич</p> <p>Жамоатчилик кенгаши раиси: Хамидов Обиджон Хафизович, Бухоро давлат университети ректори.</p> <p>Таҳририят кенгаши раиси: Махмудов Мэлс Ҳасанович</p> <p>Масъул котиб: Акрамова Гулбахор Ренатовна</p> <p>Таҳририят манзили: Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўчаси, 16-уй</p> <p>Телефон: +998(90)744-00-22</p> <p>E-mail: eirjournal2020@gmail.com</p> <p>Журналнинг электрон сайти: www.interscience.uz</p> <p>Журнал ОАК Раёсатининг 2021 йил 30 сентябрдаги 306/6-сон Қарори билан ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ФИЛОЛОГИЯ, ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар руйхатига киритилган</p> <p>Босишга рухсат этилди: 25.12.2021 й. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Б/т.12,5. Буюртма рақами 12 « Бухоро вилоят босмахонаси» МЧЖда чоп этилди. Бухоро шаҳар</p> <p>Журнал 28.07.2021 йилда 9305 рақами билан Ўзбекистон Омма- вий ахборот воситалари давлат рўйхатидан ўтган.</p> <p>Журнал 2021 йил ноябрь ойидан бошлаб ҳар ойда 1 марта ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилади.</p> <p>«Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро илмий-ме- тодик журналдан кўчириб босиш таҳририятнинг розилиги билан амалга оширилади</p> <p>Мақолада келтирилган фактларнинг тўғрилиги учун муаллиф масъулдир</p>	07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ	
	Валихонова Г. К. XIX-XX аср бошларида Фарғона водийсининг полиэтник ҳолати	7
	Жумаев Р.Ф. Ҳуқуқий таълим – эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим мезони	15
	Ҳамаев Н.М. Даврий матбуот Ўзбекистондаги истиқлол учун қуролли ҳаракат раҳбарлари ва уларнинг вазифалари ҳусусида	20
	Юсупов Р. М. Ўрта Осиё ва Қозғистон мусулмонлари диний назорати мусулмон мамлакатларининг диний ташкилотлари билан алоқалари	31
	Тўрабоева Я. Р. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга қаратилган амалий ҳаракатлар: муаммо ва натижалар таҳлили	36
	Юсупов Р. М. Совет даври ҳукмронлиги даврида ўзбекистон мусулмонларининг ди- ний масалалари	41
	Qodirova R. M. Milliy maorif tizimi va ta'limda sovet modelini tatbiq qilinishi borasidagi ilk qadamlar: islohotlar va oqibatlar	45
	Қурбанова Д. Ш. Қадимги ва илк ўрта асрлар даври Хоразм аҳолисининг диний урф- одатларини археологик маълумотлар асосида тиклаш муаммоси	50
	10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
	Ражабов Д. З., Рўзиев Н. Қ. Ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг инглизча таржима-сида миллий образ ва тасвир воситалари	57
	Жамилова Б. С. Истиқлол даври ўсмирлар қиссаларининг жанрий, бадиий-композицион ҳусусиятлари	64
	Mamatqulova N. B., Hakimova M. G'. Alpomish dostoni eposining asosiy tendensiyalari	72
Турсунов Б. Ўзбекистонда хорижий тилларни ўқитишнинг шаклланиши ва унинг тарихий боскичлари	78	
Ro'ziyeva S. H. Modelleshtirish texnologiyasi umumiy o'rta ta'limda sintaksis bo'limini o'qitishda optimal yondashuv sifatida	86	
Altinova F. P. Oхunjonova F. A. Muqimiy, furqat, hazaniy ijodida zullisonaynlik	95	
13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ		
Шин Агриппина В. Организация и планирование образовательного процесса обучения дошкольного образования на основе лично-ориентированного подхода	100	
Абдурахимова Л. А. Тиббий таълим сифатини оширишда замонавий педагогик тех-нологияларнинг қўлланилиши	112	

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ АФСОНА ВА РИВОЯТЛАРИНИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАСИДА МИЛЛИЙ ОБРАЗ ВА ТАСВИР ВОСИТАЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021>.

*Ражабов Дилшод Зарипович,
Бухоро давлат университети*

*Рўзиев Нодир Қаюмович,
Бухоро давлат университети*

Аннотация. Мақолада инглиз ва ўзбек халқларининг оғзаки ижодидаги афсона ҳамда ривоят жанри намуналарини қиёсий-типологик аспектда тадқиқ қилиш уларнинг миф, эртак, нақл, латифа каби бошқа эпик жанрлардан фарқини ёки ўзаро генетик алоқадорлигини аниқлаш тўғрисида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: афсона, ривоят, миф, эртак, нақл, халқ оғзаки ижоди.

НАЦИОНАЛЬНЫЙ ОБРАЗ И СРЕДСТВА ИЗОБРАЖЕНИЯ В АНГЛИЙСКОМ ПЕРЕВОДЕ ЛЕГЕНД И СКАЗАНИЙ УЗБЕКСКОГО НАРОДА

Аннотация. В статье рассматриваются сравнительно-типологические аспекты жанра легенд и сказаний в устном народном творчестве английского и узбекского народов, а также отличие жанров как, мифы, сказки, сказ, анекдоты от других эпических жанров или их генетического родства.

Ключевые слова: легенда, сказание, миф, сказка, сказ, фольклор.

NATIONAL CHARACTERS AND MEANS OF IMAGES IN THE ENGLISH TRANSLATION OF UZBEK NATIONAL LEGENDS AND NARRATIVES

Abstract: In the article the comparative-typological aspects of the genres of legends and narratives in the oral folklore of the English and Uzbek nations, as well as the difference between genres, such as myths, fairy tales, tales, and anecdotes from other epic genres or their genetic relationship are discussed.

Keywords: legend, narrative, myth, fairy tale, tale, folklore.

Кириш. Дунё фольклоршунослигида афсона ва ривоятларнинг ўзаро муштарак ва фарқли жиҳатларини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилиши натижасида халқ насрининг мукамал таснифи яратилди. Натижада оғзаки насрга мансуб афсона ва ривоят жанрларининг

специфик хоссалари белгиланиб, эпик сюжет ва мотивларининг тарихий асослари, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ойдинлаштирилди. Эндиликда шу эришилган ютуқлар асосида ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг инглиз тилига таржимасида миллийликнинг ифодаланиши, бадиияти, тасвир воситаларининг сақланишини ёритиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, жаҳон фольклоршунослигининг янги илмий-назарий концепциялари асосида инглиз ва ўзбек халқларининг оғзаки ижодидаги афсона ҳамда ривоят жанри намуналарини қиёсий-типологик аспектда тадқиқ қилиш уларнинг миф, эртак, нақл, латифа каби бошқа эпик жанрлардан фарқини ёки ўзаро генетик алоқадорлигини аниқлаш учун муҳимдир.

Асосий қисм. “Афсона” форсча “афсун –сеҳр-жоду” маъносини англатувчи сўз билан аталадиган, фантастика-уйдирма асосида яратилган оғзаки насрий ҳикоялар бўлиб, ўтмишда унинг «saw» (сав) деб юритилгани ҳақида маълумотлар бор. М.Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» китобида изоҳланишича, “сав” атамаси ўтмиш воқеалардан хабар берувчи ҳикоя, қисса тушунчасини ифодалаб келган [1].

Афсона ўзбек халқ оғзаки ижодининг энг қадимги, анъанавий ва кенг тарқалган жанрларидан бири [2]. Унда халқимизнинг қадимги диний-мифологик қарашлари, урф-одатлари ўзига хос бадиий талқин топганлиги билан эътиборни тортади. Аждодларимизнинг тарихини ўзида бадиий акс эттирувчи афсона ва ривоятларга дунё аҳлининг эътибори кундан-кунга ошиб бормоқда. Кўпгина афсона ва ривоятларда персонажлар ўз индивидуал қиёфаси ва нутқи билан берилган бўлади. Бироқ кўпинча уларни таржима қилишда ана шу ҳолатни тўлиқ сақлашнинг имкони бўлмай қолади. Чунки таржима жараёнида персонажларнинг нутқи бевосита таржимон томонидан баён этилади. Бунинг натижасида фольклор асарининг асл нусхасида берилган ҳар бир персонаж ўз индивидуал қиёфасини ва сўзлаш услубини сақлаб қололмайди. Қолаверса, таржимада ҳаммавақт ҳам персонажлар нутқи тўлиқ ифодасини тополмайди. Бу эса, ўз навбатида, улар маъносига ҳам путур етишига олиб келади. Масалан, “Сумалак” ҳақидаги афсона аслиятда персонажларнинг диалоглари асосида баён этилган. Унда, асосан, онанинг Ҳасан-Ҳусан исмли ўғиллари билан мулоқотлари учрайди:

Айтишларича, қадим замонларда бир камбағал аёл яшаган экан. Унинг Ҳасан-Ҳусан деган ўғиллари ҳам бўлиб, улар ҳали жуда ҳам ёш эканлар. Аёл топган-тутгани қишлигига зўрға етиб, бир амаллаб кўкламга чиқиб олибдилар. Уйларида егулик ҳеч вақолари қолмабди. Ўзи-ку майлику-я, лекин икки норасидасининг қоринлари очиб, нон сўраб: зор-зор йиғлашларини кўриб, онаи зор чидаб туролмабди. Уларни ўйин-кулги билан овутмоқчи бўлган экан, барибир эгизаклар хархаша қилаверибдилар. Шунда она бечора нима қиларини билмай, ўчоқ бошига борибди-да:

- Болаларим, бирпасгина ўйнаб ўтиринглар, мен ҳозир сизларга

овқат пишириб бераман, - деб қозонга сув солиб, тагига ўт қалабди. Сўнгра далага чиқиб, ўтган йилги буғдойпоядан буғдой томирларини, эндигина ниш ура бошлаган ҳар хил ўт-ўланлардан териб келиб, яхшилаб ювибди-да, қозонга солибди. Ун халтасини, супрасини қоқиштирган экан, бир-икки каппа ун-урвоқ чиқибди, униям қозонга ташлаб, қайнатаверибди. Ковлаётганда овози чиқиб, билиниб турсин учун беш-олтита тошчаларниям ювиб қозонга ташлабди-да, чўмич билан айлантираверибди. Ҳар айлантирганда тошлар шарақлаб овоз чиқарар, буни эшитган Ҳасан билан Ҳусан “Онамиз бизга овқат пишираяптилар”, - деб суюнишиб, ўйнай бошлашибди. Тун ярмидан оққанда болалар ўйнай-ўйнай чарчаб, охири ухлаб қолибдилар. Она бўлса, қозонни ковлашдан тўхтамай, гўдаклари оч-наҳор ухлаб қолганликларига ичи ачишиб, кўз ёши шашқатор бўлиб, тангрига илтижо қилибди: “Эй худо. Шу пишираётган овқатимга назар ташла. Икки норасиданинг ризқини ўзинг етказ, ширинлигингни ато қилгин. Биз ғариблардан марҳаматингни дариг тутма.”

Тонгга яқин она ҳам ковлашдан чарчаб, қозоннинг қопқоғини яхшилаб ёпиб, димлабди-да, болаларининг ёнига ёнбошлаб уйқуга кетибди. Эрталаб болаларининг шовқинидан уйғониб қолиб қараса, Ҳасан-Ҳусанлари қозонга қўлчаларини тикиб, ниманидир ялашаётганмиш. Мўъжиза рўй берганидан кўзларига ишонмаган онаи зорнинг ўзиям жимжилоғи билан қозондаги таомдан ялаб кўрса, ширин нарса экан. Шунда болалари:

- Она, бу овқатингизнинг номи нима? – деб сўрашган экан, она қозон тўла қизғиш ширинликни болалари тез-тез бармоқлари билан ялаётганликларига қараб туриб:

- Болаларим, бу малойикаларнинг каромати билан пишди. Унинг оти сермалак, - дебди.

Бу сўз кейинчалик “Сумалак” бўлиб ўзгариб кетган экан. Ҳатто ҳозир ҳам онахонларимизу пиру бадавлат отахонлар сумалакни татиб кўришдан аввал “Қани, Ҳасан-Ҳусанларнинг таомидан ялайлик”, - деб аввал жимжилоқлари билан ялашади.

Сумалак пишириш удуми ана шундан келиб чиққан экан [3].

Кўриняптики, бу афсонада онанинг болалари билан ўзаро суҳбати келтирилган бўлиб, у орқали асар таъсирчанлиги таъминланган. Бироқ шу асарнинг таржимасида ушбу диалогларнинг тушириб қолдирилгани кузатилади. Таржимада бу матн қуйидагича берилган: “Қадим-қадим замонларда бир аёл ўзининг Ҳасан-Ҳусан ўғиллари билан яшарди. У бир қашшоқ бева бўлиб, зўрға кун кўрар, болалари нукул очликдан азоб чекишарди. Уларнинг йиғисидан, ноласидан бешиб кетган она бу кунларга лаънатлар ўқир, фарзандларига емиш топиб беришга қийналар эди.

Бир кечкурун фарзандари йиғлай-йиғлай ухлаб қолгач, қўшниларидан бир капгина буғдой олиб чиқади. Қозон осиб тагига ўт ёқади. Қозонга еттита тош ташлаб, ун ва сув солади. Ўғиллари қозондаги тошнинг товушини эшитиб, оналари улар учун аллақандай мазали таом

тайёрлаётганига амин бўлишади. Тез орада мазали таом ейиш орзуси билан болаларнинг кўзи уйқуга кетади. Бироз ўтиб онанинг ҳам кўзуни уйқу элтади. Тонгга яқин уйғониб кетган она қозон атрофида ўттизта фаришта турганини кўради. Кўзларига ишонмаган она фаришталарнинг қозондаги таомдан татиб кўраётганлигининг гувоҳи бўлади.

Бундан мамнун бўлган она фарзандларини уйғотиб, қозон олдига шошади. Кўрсаки, қозон аллақандай тотли неъмат билан лик тўла.

Ўшандан буён бу таомни ўттизта фаришта шарафига сумалак деб аташади.

Кўриняптики, “Сумалак” ҳақидаги ушбу афсонанинг аслияти билан таржимаси баён услубига кўра бири иккинчидан фарқ қилаётир. Чунки амалга оширилган таржимада персонажлар нутқи муаллиф нутқига алмаштирилган. Натижада асар воқеалари персонажларнинг руҳияти асосида эмас, унга муаллифнинг муносабати асосида шунчаки ҳикоя этилган. Бу эса, ўз навбатида, асарнинг ғоявий-бадиий жиҳатдан таъсирчанлигини бироз камайтирган.

Маълумки, ўзбек фольклорида сумалак ҳақидаги афсона бир неча вариантда тарқаган. Жумладан, “Сумалак – ўттиз малак” афсонаси шулардан биридир [3]. Унда ҳикоя қилинишича, Сумалак – биби Фотиманинг ошлари экан. Бир куни у кишининг болалари оч қолибдилар. Овқат пишириб берай десалар, уйларида қозонга солгудек ҳеч вақо йўқ экан. Ўшанда киш чиқиб энди кўклам кўкатлари ер бағирлаб бош кўтарган вақт экан. Биби Фотима ҳовлисининг бир четига кузда бир ҳовуч дон сепган эканлар, қарасалар ўша кўкариб, майсалаб қолган экан. Дарров шу майсадан ўриб келиб, майдалаб қозонга солиб, супрадан қоқиштириб олинган бир сиқим ун ҳам кўшиб яхшилаб аралаштириб, устидан сув қуйиб қозон тагига ўт қалабдилар. Бироз қозонни қовлаб ўтиргандан кейин ўғилларига кўшилиб биби Фотима ҳам ухлаб қолибдилар.

Эрталаб уйғониб қарасалар, қозонни ўттиз фаришта қовлаб пишираётган эмиш. Шунинг учун бу таомнинг номи сумалак бўлиб қолган экан. Чунки сумалак – ўттиз малак деганидир.

Келтирилган таржима асосида шундай хулосага келиш мумкинки, таржимон аввало сумалак ҳақидаги афсона вариантларни ўрганиб чиқиб, сўнгра уларнинг мазмунини умумлаштирувчи матн яратган ва ана шу матнни таржимада берган. Бундай хулоса чиқаришга иккита сабаб мавжуд:

- биринчиси, таржима матни мазмунан сумалак ҳақида келтирилган аслиятдаги матнларга хос алоҳида-алоҳида мотивларни ўзида умумлаштириб, бирлаштириб келмоқда;

- иккинчиси, аслиятдаги илк матнда учрайдиган персонажлар нутқи таржимада мутаржимнинг баёнига сингдириб ифодаланмоқда.

Шунингдек, таржимада берилган «Хива қандай қилиб ўз номини олди?», «Душманнинг катта-кичиги бўлмайди» каби ривоятларда ҳам асл матнларнинг маънолари сақланган эса-да, бироқ уларда тўлақонли ифодавийлик етарли эмаслиги кўзга ташланади.

Булар орқали шуни англаш мумкинки, таржима иши осон эмас. Шунинг учун унга олимлар: “Таржима адабиётларни механик равишда бир миллатдан иккинчи миллатга ўтказадиган транспорт воситаси эмас, балки миллатларни яқинлаштирадиган, миллий тушунчаларни уйғунлаштирадиган омил”, - дея таъриф берадилар [4].

Афсона ва ривоятларнинг таржимаси жараёнида у ёки бу анъаналаримизни, миллий урф-одатларимизни қиёсий-типологиялик жиҳатдан ўрганиш имконияти пайдо бўлади. Чунки уларнинг аксарияти юқоридаги каби маросим ва урф-одатларимизнинг келиб чиқиши ҳақида яратилгандир.

Мерелин Петерсен китобининг “The music of Uzbekistan” («Ўзбекистон мусиқаси») номли бобида уд, танбур, ғижжак, сурнай, сибизға, дутор, рубоб, карнай, доира каби миллий ўзбек мусиқа асбобларининг яратилиши, уларда ижро этиладиган куйлар, қўшиқлар тўғрисидаги афсоналар ҳам келтирилган. Шубаҳонаинглиз ўқувчиларига бу созларнинг инглизча номланиши таништирилган. Масалан: dutor – an instrument with two (du) strings (tor) (икки торли асбоб); karnai – a very long horn type instrument, especially played at celebrations (асосан, байрамларда чалинадиган узун сурнай); doira – a drum. The skin of an animal stretched on a round frame (айлана қолипга ҳайвон териси тортиб ясалган асбоб).

Ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг жаҳон миқёсида тан олинган дунё тилларига жуда катта миқдорда таржима қилинганлиги қувонарли ҳолдир. Бу билан халқимиз маданиятига, тарихига, турмуш тарзига дунё халқлари катта қизиқиш билан қарабини англаш мумкин. Бироқ инглиз ва ўзбек тиллари оиласи жиҳатидан бир-бирига анча узоқ бўлган тиллардир. Шунинг учун бу тилларда яратилган асарларни бир-бирига таржима қилиш муайян қийинчиликларни келтириб чиқариши табиий. Таржима қилиш қийинчилиги фақат бу тилларнинг луғат бойлиги, услубий ва синтактик қурилиши билангина чекланмайди. Бу қийинчилик таржима қилинаётган асарнинг яратувчиси бўлган халқнинг миллий қадриятларини, ўзига хос менталитетини белгиловчи омилларни билиш зарурлиги билан ҳам боғлиқ. Зеро ҳар бир халқнинг ўзигагина тегишли бўлган тарихи, дунёқараши, эътиқоди, урф-одатлари, маросимлари, касб-кори, либослари, миллий қаҳрамонлари мавжуддир. Қолаверса, ўша халқ яшайдиган географик жой иқлими, ўсимликлар ва ҳайвонлар, қушлар дунёси ҳақида ҳам маълум билимга эга бўлиш зарур. Йўқса, таржима учун танлаб олинган матннинг мазмунини, руҳини чет эллик ўқувчига етарли даражада етказиб бериб бўлмайди. Бунинг натижасида айрим атамалар, номлар таржимада луғавий семантик жиҳатдан хато берилиши мумкин. Бунга юқорида номи қайд қилинган китобда берилган “Чашмаи Аюб” афсонасининг таржимасини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Чунки бу афсона таржимасида мутаржим “чашма” сўзини “фонтан” сўзи билан ифода этган.

The Fountain of Aiyub

As told by Dilifruz Kamalova, age 21

A long time ago in the Central Asian desert, where the city of Bukhara is situated, the people were dying of thirst. There was not even a single drop of water to be found.

One day, the people were so thirsty, that they all sat down and prayed. They looked to the heavens and asked God for rain. It wasn't long before He sent a messenger to rescue them.

The messenger's name was Aiyub. He had a stick and with it he struck the earth. At the place where he struck the earth, a hole suddenly appeared and a fountain gushed forth. It wasn't long before they discovered the great cures that could be achieved by drinking this water.

The people were so happy that they built a beautiful shrine there. To this day, many people visit the well to partake of the refreshing clear, clean, healing waters, and to pray in thankfulness to God.

Ушбу матннинг таржимаси қуйидагича:

Чашмаи Аюб

Қадимги Марказий Осиёнинг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган Бухоро атрофида одамлар ташналиқдан кўп қийналишарди. Баъзида уларнинг чанқоғини қондириш учун бир томчи сув топиш ҳам амри маҳол эди.

Ташналиқ жонидан ўтган одамлар бир кун йиғилиб, Тангрига илтижо қилишди ва ундан ҳеч бўлмаса ёмғир ёғдиришни ўтиниб сўрашди. Оллоҳ Таоло кўп ҳам куттирмасдан уларнинг хоҳишини бажо келтириш учун ўзининг Аюб исмли элчисини юборди. Аюб қўлидаги таёғини ерга санчади ва ўша ердан булоқ отилиб чиқади. Кўп ўтмасдан одамларга шу нарса аён бўлади-ки, бу булоқ суви нафақат чанқоқ қолдиришда, балки кўпгина касалликларга даво сифатида ҳам фойдали экан.

Бундан боши осмонга етган, кувончи чексиз халқ ўша ерда макбара қуришга қарор қилади. Ўша даврдан токи шу кунгача одамлар ушбу қутлуғ қадамжони зиёрат қилишни қанда қилмайдилар. Бу кўҳна ва муқаддас булоқнинг шифобахш зилол сувларидан баҳраманд бўлиб, Яратганга ҳамду санолар айтадилар.

Кўриняптики, ушбу афсонада фонтан ҳақида эмас, шифобахш чашма суви ҳақида сўз юритилмоқда. Фонтан – бу кишиларнинг ақл-заковати, қўл меҳнати эвазига қурилган манзарали сув пурковчи иншоот бўлса, чашма ўз-ўзидан ердан отилиб чиқувчи сув йўлидир. Чашма суви маъданларга бой, тоза ичимлик суви сифатида шифобахшлик касб этади.

Шу нуқтаи назардан қаралса, таржимада “чашма” сўзининг ўрнига “фонтан” сўзини қўллаш мантиқий хатоликни келтириб чиқариши аёнлашади. Бунинг натижасида миллий образ тасвирига ҳам путур этади.

Таржимада маълум бир халқнинг диний тушунчаларини, тарихини шунчаки сўзма-сўз ўгириб бўлмайди. Бу жараёнда таржимон ғоятда эҳтиёткорлик қилиши, ўша халқнинг дини ва тарихига ҳурмат билан қараши талаб этилади. Бунинг учун таржимон ўша халқнинг тарихини ва диний-эътиқодий қарашларини ишга киришгунча пухта ўрганиши

шартдир.

Хулоса. Афсона ва ривоятларимизда бу каби миллий хусусиятларимизни ўзида мужассам этган белгилар бисёрдир. Шунинг учун уларнинг таржимаси кенг тарқалган. Лекин улардаги миллий-маънавий, маданий жиҳатларнинг сақланиши таржимон меҳнатининг самарасини кўрсатиши, фольклорнинг миллий руҳиятини тўла сақлаб қолиши билан диққатга сазовор бўлади.

Бир сўз билан айтганда, халқ афсона ва ривоятлари инглиз тилига таржима қилиниши жараёнида уларнинг аслиятига хос руҳият, жозибadorлик ва бадий жиҳатларни ўзида тўла акс эттирмоғи шарт. Акс ҳолда миллат тарихи, маънавияти ва маданиятини намойиш қилувчи деталлар, ўзга миллат вақилига таниширилиши лозим бўлган хатти-ҳаракатлар мутаржим айби билан кўмилиб кетиши ва таржима қилинаётган асар таржима тили қонунларига бўйсуниб кетиши мумкин. Зеро, ўзбек халқ оғзаки ижодиёти бой жанрий таркиби, қадимийлиги ва анъанавийлиги, мураккаб тадрижий тараққиётни кечирганлиги билан узок даврлардан бери дунё аҳлининг эътиборини жалб қилиб келмоқда. Жумладан, буни ўзбек фольклорининг чет элларда ўрганилиши, хорижлик тадқиқотчилар томонидан ёзиб олиниб, таржима қилинганлиги ва қилинаётганлиги мисолида тасдиқлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кошғарий М. Девон-ул-луғотит турк. 3-Том.- Т.: Фан, 1963, 168-бет.
2. Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Т.: Фан, 1981, 66-бет.
3. Наврўз. (Наврўз билан боғлиқ кўшиқлар, афсоналар, одатлар ва примлар). Тузувчилар: Т.Мирзаев ва М.Жўраев. - Т.: Фан, 1992.-25-26-бетлар.
4. Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 117-бет
5. Darmon U., R ano R ., Dilshod R . The Stylization of P rose Tales in Uzbek Children's Literature //R eligac ión. – Т. 4. – С. 170-174.
6. R ajabova R . Z. A LITER A R Y R IDDLE FR OM A FOLK R IDDLE // European Scientific Conferenc e. – 2020. – С. 139-141.
7. R ajabov D. Z. R adif in uzbek folk songs //Theoretic al & A pplied Sc ienc e. – 2018. – №. 10. – С. 316-318.
8. Qo d ir o va , R . (2021). A B DULLA A R IP O V'S WO R K DUR ING T H E YE A R S O F INDEPENDENCE IS INTER PRETED BY NUMAN RA KH IMJANOV . ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (bux d u.Uz), 7(7).